

CURRENT TRENDS OF UZBEKISTAN'S COOPERATION BETWEEN CENTRAL AND SOUTH ASIAN COUNTRIES

Mukhitdinova Firuza Abdurashidovna

Tashkent State Law University, Professor of "Theory of State and Law", Doctor of Law
feruza.mukhitdinova@gmail.com

Abstract: The large-scale economic reforms and openness policies being implemented in Uzbekistan open up opportunities for the country to be involved in the process of international integration. We all know that in modern conditions, no country can realize its vast potential on a global scale. While the network is difficult to enter the world market with the national economic community, Uzbekistan is actively participating in the international division of labor and is developing economic cooperation with various foreign economic partners, to one degree or another. The Action Strategy envisages the effective use of foreign investments and loans through the development of international economic cooperation, including the expansion of ties with leading international and foreign financial institutions. The current priorities of the country's foreign policy are within the framework of the tasks set out in the Strategy of Action, and are reflected in practical steps to develop new approaches to expanding contacts in the international arena.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ҲОЗИРГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Мухитдинова Фируза Абдурашидовна

Тошкент давлат юридик университети, “Давлат ва хуқуқ
назарияси” кафедраси профессори, юридик фанлар доктори
feruza.mukhitdinova@gmail.com

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар ва очиқлик сиёсати мамлакатнинг халқаро интеграция жараёнларига жалб этилиши учун имкониятлар очиб бермоқда. Ҳеч бир мамлакат замонавий шароитда битта ўзи кенг имкониятларни дунё миқёсида амалга ошира олмаслиги барчамизга аён. Тор миллий иқтисодий доира билан жаҳон бозорига чиқиши қийин экан, Ўзбекистон халқаро меҳнат тақсимоти тизимида фаол иштирок этиб, икки ёки қўп томонлама даражада турли ташқи

иқтисодий ҳамкорлар билан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантирумокда. Ҳаракатлар стратегисида кўзда тутилган халқаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, шу жумладан етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш йўли билан, жалб қилинган хорижий инвестициялар ва кредитлардан самарали фойдаланмоқда. Мамлакат ҳозирги ташқи сиёсий фаолиятининг устувор йўналишлари Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатилган вазифалар доирасида бўлиб, халқаро майдонда алоқаларни кенгайтиришга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича амалий қадамларда ўз аксини топмоқда.

Шу муносабат билан Туркия, Хиндистон, Хитой, Япония, Германия, Франция, Афғонистон, Қозогистон, Туркманистон каби дунё мамлакатлари билан кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир бир қатор тегишли дастурий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва қабул қилинган Дунёдаги энг обрўли журналлардан бири – «Economist» (Буюк Британия) Ўзбекистонни йил мамлакати – 2017 йилдан эътиборан ислоҳотлар энг жадал суръатлар билан амалга оширилаётган давлат сифатида эътироф қилди.

Ўзбекистон 100 га яқин давлат фуқаролари учун визасиз режимни ва 57 та давлат фуқаролари учун соддалаштирилган визали режимни жорий қилди. Мамлакатга хорижий туристлар келиши учун жуда катта имкониятлар яратилган. Албатта бу имкониятлар пандемия шароитидан кейин янада енгиллашади бу 2022 йилга бориб юқори кўрсаткичга қўтарилишига ишонамиз. Ахир, эътиборли жиҳати шундаки, сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг амалга оширилаётган янги ташқи сиёсати халқаро ҳамжамият томонидан муносиб баҳоланмоқда. Хусусан, АҚШдаги Гудзон институти Ҳарбий-сиёсий тадқиқотлар маркази директори Ричард Вайс фикрича, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий ташаббуслари бутун Марказий Осиё учун янги имкониятларни очмоқда. Республика мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилиш ғоясидан иборат кун тартибини илгари сурмоқда.

Рим геосиёсий тадқиқотлар институти (IsAG) Евросиё дастури илмий ходими Фабрисси Виелмини қайд этишича, узоқ вақт регионал жараёнлардан четда бўлган Ўзбекистон бугунги кунда янгича ҳаракат қилмоқда. Минтақа юраги ҳисобланган Тошкент Марказий Осиёда барқарорлаштирувчи давлат табиий ролини ўзига қайтариб олмоқда.

Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти катта илмий ходими Андрей Гроздин ҳам ҳозирги пайтда Марказий Осиёда давлатлараро муносабатлар тизими шаклланаётганлигига эътибор қаратади. Унинг сўзларига қараганда, сўнгги вақтда Тошкент турли хил йўналишлар бўйича

юқори фаолликни намоён қилди. Минтақа мамлакатлари ўртасидаги муносабатларда сезиларли соғломлашиш белгилари яққол ифодаланмоқда.

Тошкент ташқи сиёсий йўналишининг янги қадами афғон йўналишидаги фаоллашувдан иборат бўлди. Ўзбекистон Афғонистон билан икки томонлама алоқаларни сезиларли даражада кенгайтириди, афғон муаммосини ҳал қилиш бўйича кўп томонлама харакатларга фаол қўшилди.

Тошкент Афғонистон бўйича тинчлик жараёни бошланишига муҳим ҳисса кўшган юқори даражали «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва регионал ўзаро муносабат» ҳалқаро конференциясининг ташаббусчиси бўлди ва уни ўтказди. Бугунги Ўзбекистоннинг Марказий осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган ютуқлари билан ҳам дунёга танилди. Айниқса, жорий йилнинг 15-16 июль кунларида Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида ўтказилган «Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Тахдидлар ва имкониятлар» юқори даражадаги ҳалқаро конференциясида илгари сурилган ташаббусларда айнан мазкур ўзаро қўшничилик масаласига катта аҳамият берилгани диққатга сазовордир. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг нутқида Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида яқин дўстлик ва ҳамкорлик барқарор бўлиши борасида ўз таклиф ва ташаббусларини илгари сурдики, бу таклифлар ҳам янги қўшничиликка асос бўлиб хизмат қиласи.

Биринчидан, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Марказий ва Жанубий Осиё узоқ асрлар давомида ҳалқлар ва цивилизациялар ўртасида фаол мулоқотга хизмат қилди. Иккинчидан, минтақаларимиз ҳалқлари бир неча бор умумий давлатчилик тузилмалари таркибида, шу билан бирга, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар маконда ўзаро ҳамжихатлиқда умр кечирганлар. Учинчидан, албатта, бу буюк тарихни, ҳалқлар ҳамкорлигини тадқиқ этиш, кенг жамоатчиликка, айниқча ёшларга етказиш ҳам қарз, ҳам фарзdir. Шу боис ҳам, ушбу форумда илмий ва маданий-гуманитар алмашувларни кенгайтириш дўстлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан бири бўлиб, шу муносабат билан Ўзбекистонда, Термиз шаҳрида ЮНЕСКО шафелигида “Марказий ва Жанубий Осиёнинг тарихий мероси” мавзусида ҳалқаро форум ўтказишини таклифи бежиз берилмади. Айнан ана шундай ҳалқаро илмий анжуманларда ҳалқларнинг ўзаро ҳамкорлиги илмий асосини топади ва кибержиноятларга, интернет саҳифасидаги турли хил ёт ғояларга зарба беради. Бугун янги Ренессанс остонасида турган Ўзбекистоннинг бундай қўшничилик муносабатларига бўлган қизиқиши дунё олимлари орасида тобора ортмоқда. Ўзбекистон

Республикасининг қўшни мамлакатлар билан муносабатларида юритган янгича очиқ сиёсати туфайли минтақада ижобий сиёсий муҳит шаклланди, дўстлик ва ўзаро манфаатга асосланган муносабатлар мустаҳкамланиб, ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида сўнгги йилларда эришилган сиёсий ишонч ва яхши қўшничилик муносабатлари минтақанинг бугунги тарихида ижобий босқични ифодаламоқда. Ўзбекистоннинг ҳар бир қўшни давлат билан муносабатларини стратегик шериклик даражасига олиб чиқиши ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириши минтақада низоли ҳолатларни деярли йўқقا чиқарди, унинг инвестициявий жозибадорлигини кучайтиришга ёрдам берди.

Жумладан, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан икки томонлама ва минтақавий алоқаларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш ҳамда олий ва юқори даражада ўзаро ташрифларни ташкил этилишидан мақсад ҳам ягона: янги Ўзбекистоннинг янги қўшничилик муносабатлари: халқлар ҳамдўстлиги, тинчлик ва барқарорлик сари янги қадамдир. Қувонарли томони Ўзбекистонда 15 июль куни Тошкент шаҳридаги Марказий Осиё халқаро институти очилди. Янги тадқиқот маркази минтақавий жараёнларни ўрганади. Шунингдек, мазкур институт минтақавий тадқиқотларга бошқа шунга ўхшаш илмий муассасалар билан ҳамкорликни кучайтиришга ҳам ёрдам беради. Марказий Осиё давлатлари халқарининг маданияти, тарихи ва тиллари муштараклигини қайд этар эканмиз, ҳамда таълим, маданият, санъат, фан, туризм ва бошқа соҳалардаги давомий ҳамкорлик янада янги қўшничилик муносабатларининг дўстона алоқаларида намоён бўлади. Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларнинг яхшиланиши бутун минтақанинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга хизмат қиласи. Янги Ўзбекистондаги ислохотлар эса янада мазмундорлиги, халқчиллиги билан кўнглилизни кўтаради.

Яқин кунларда муҳим сана нишонланади. Ўзбекистоннинг мустақиллиги. 34 миллиондан ошган халқни қувонтирадиган нарса: тинчлик, барқарорлик, фаровонлик, хурлик ва адолатdir.

Бу тушунчалар оддийган сўз бўлмасдан, унинг замирида инсон тақдири ётади. Шу учун ҳар бир инсон тинч ва фаровон яшашни истайди. Ҳарбий хизматни ўтаётган фарзандини соғ ва омон кўриш ҳар бир ота-оанинг азалий орзуси. Пандемия оғатидан кутулиш қурраи заминнинг орзуси. Яхши меҳнат шароитида ишлаш мигрантларнинг орзуси. Кучли олим бўлиш тадқиқотчиларнинг орзуси. Бу орзуларнинг чеки йўқ. Лекин барчасига эришининг йўли: яхши қўшничиик, меҳр-оқибат, дўстона алоқалардандир. Зоро, қўшнинг тинч, сен тинч, деб бежиз айтишмаган. Шу боис ҳам, қўшни

Афғонистон давлатига алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳаммамизга аёнки, Ўзбекистоннинг яхши қўшничилик сиёсати Афғонистон билан алоқаларни мустаҳкамлашда ҳам яққол намоён бўлди. Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «минг йиллар давомида Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари ягона маданийтамаддун маконида ривож топганлар».

Афғон заминида Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Захириддин Бобур рва бошқа кўплаб ўзбек олимлари, шоирлари, мутафаккирлари яшаб, ижод этишган.

Бугунги кунда Ўзбекистон томонлар ўртасидаги мулоқотга кўмаклашиб, Афғонистондаги тинчлик жараёнини қўллаб-қувватлаш ва илгари сурища фаол иштирок этмоқда, шунингдек, Афғонистон иқтисодиётини тиклаш ва ушбу мамлакатни миңтақавий ҳамда халқаро савдо-иқтисодий муносабатларга жалб қилишга ёрдам берадиган муҳим иқтисодий ва инфратузилмавий лойихаларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистоннинг Афғонистонга нисбатан сиёсати Марказий Осиёда барқарор ривожланиш истиқболлари қўшни Афғонистонда тинчликка эришиш билан чамбарчас боғлиқлигини англашга асосланади.

Албатта, мустақил ўтган йилларда Ўзбекистон том маънода ўзгарди. Бу жиҳатлар халқимиз дунёқарashi, мафкураси янгиланганида, ҳаёт фаровонлиги юксалганида, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз қайта жонланганида, айниқса, яққол қўзга ташланади. Гап мустақил тараққиётимиз ҳақида борар экан, кейинги беш йилда жаҳон сиёsat майдонида “Янги Ўзбекистон” атамаси пайдо бўлганини алоҳида фахр билан тилга оламиз. Айниқса, Марказий Осий халқларининг янги даври десак, муболоға бўлмайди. Нега деганда, қадимдан бир тарихга, урф-одати ва маданияти, диний эътиқоди яқин халқлар ўртасидаги дўйтона муносабатларга раҳна соловчи тўсиқлар очилган давр бошланди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йил декабрда ўз лавозимига киришганидан сўнг Марказий Осиё давлатлари ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашни ташқи сиёсатда энг муҳим устувор вазифа сифатида белгилаб берди.

Ўтган беш йил мобайнида Ўзбекистон раҳбари ташабbusи билан миңтақанинг барча мамлакатлар етакчиларининг юқори даражадаги ташрифлари амалга оширилди. Миңтақа давлатлари раҳбарларининг сиёсий мулоқоти доимий тус олди.

Ана шундай мулоқотлар давомида Марказий Осиё мамлакатлари учун хавфсизлик, иқтисодиёт, инвестициялар, сайёҳлик, маданият, соғлиқни сақлаш

ва экология соҳаларида ўзаро манфаатли минтақавий ва халқаро масалалар бўйича муҳим қўшма қарорлар қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон дунё сиёсати ва иқтисодиётида энг муҳим роллардан бирини ўйнаётган Хитой Халқ Республикаси билан яқин регионал қўшни ва дўстона давлат сифатида стратегик ҳамкорликни мустаҳкамламоқда.

Корея Республикаси билан икки томонлама муносабатлар масалаларининг бутун мажмуи бўйича стратегик ҳамкорликни мустаҳкамлашда худди шундай ютуқлар кузатилмоқда. Бевосита Корея инвестициялари ва илғор технологияларини, имтиёзли кредитларини фаол жалб қилиш ҳамда саноат, энергетика, инфратузилма, автомобилсозлик, фан ва инновациялар, соғлиқни саклаш ва туризмни ривожлантириш соҳаларида юқори технологик лойиҳаларни амалга ошириш учун молия-техник ёрдам кўрсатилиши мамлакатимиз манфаатларига жавоб беради.

Ўзбекистоннинг Миср, Саудия Арабистони, Бирлашган Араблар Амирликлари, Кувайт, Қатар, Ўмон, Баҳрайн, Иордания, Жазоир ва бошқа Яқин Шарқ мамлакатлари билан муносабатлари тубдан янги даражага чиқмоқда. Шуни қайд этиш керакки, Яқин Шарқ мамлакатлари билан ўзаро фойдали ва ҳар томонлама муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш Ўзбекистоннинг ташқи сиёsat соҳасидаги устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Ўзбекистоннинг янги ташқи сиёсий йўналиши мамлакатнинг регионал ва халқаро ташкилотлардаги ўзаро ҳамкорлиги фаоллашувида ва позициялари мустаҳкамланишида намоён бўлади. Ўзбекистон Ислом ҳамкорлик ташкилоти билан ҳам изчил ўзаро ҳамкорликни ривожлантирум оқда ва уни муқаддас ислом қадриятларини саклаш ҳамда ривожлантириш, мусулмон халқлар ўртасидаги бирдамликни мустаҳкамлаш, уларнинг тараққиёти ва равнақига кўмаклашишга қаратилган самарали форум сифатида баҳолайди. Ўзбекистон Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларнинг таълим ва маърифат, фан ва техникани ривожлантириш, инновацион ғоялар ва технологияларни жорий қилиш соҳасида фаол ўзаро ҳамкорлиги тарафдоридир.

Республика давлатларнинг хавфсизликни таъминлаш, иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича мулоқоти учун муҳим халқаро форум ҳисобланган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти билан фаол ўзаро ҳамкорликдан ҳам манфаатдордир. Ўзбекистоннинг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти билан ҳамкорлигининг устувор йўналишлари давлат бошқарув институтларини ислоҳ қилиш, суд-ҳуқуқ ва сайлов тизимини

такомиллаштириш, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини ошириш, шунингдек, трансмиллий хавфлар ва таҳдидларга қарши курашишда конструктив ўзаро ҳаракатларни ривожлантириш соҳаларидағи қўшма лойиҳаларни амалга оширишдан иборат.

Бундан руҳланган юртдошларимиз Ватанимиз тараққиёти учун, Учинчи Ренессанс даври пойдеворини яратиш йўлида белини маҳкам боғлаб, фидокорона меҳнат қилмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, **“Биз яратा�ётган янги Ўзбекистоннинг мағкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади”**. Зеро, бу умуминсоний тушунчалар, инсониятга соғлом ва фаровон келажак баҳш этиш, дунёда тинчлик ва тараққиётни таъминлашда муҳим пойдевордир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқи. 16.07.2021. <https://president.uz/uz/>
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 701-сон “Умумий ўрта таълим муассасаларида хорижий тилларни ўқитишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори. Миллий қонунчилик базаси.